



## АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ИШИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

***Каримов Бурхониддин Ботир ўғли***

*ИИВ Академияси кундузги таълим “Ташкилий штаб фаолияти*

*мутахассислиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси*

*329-гуруҳ курсанти*

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада тадқиқот мавзусининг долзарблиги, Ички ишлар органларидағи ахборот-таҳлил ишининг асосий тамойилларининг ичи ишлар органлари фаолиятидаги аҳамияти бўйича тушунчалар, ахборот-таҳлил ишининг бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари ахборот-таҳлил ишини ташкил этиш доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир катор таклифлар. Ахборот-таҳлил ишининг бошқа хорижий давлатларнинг илгор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомилаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** таҳлил, ахборот, статистика, тамойил, ахборот-таҳлил иши, ахборот алмашинуви, ахборот-таҳлил ишида идоралараро ҳамкорлик

### **ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ИНФОРМАЦИОННОГО АНАЛИЗА**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье раскрываются актуальность темы исследования, понятия о значении основных принципов информационно-аналитической работы в органах внутренних дел в деятельности органов внутренних дел, современном состоянии информационно-аналитической работы и особенности его реализации. Кроме того, оперативный анализ норм в рамках организации информационно-аналитической работы и документов, осуществляемых в рамках этой деятельности, выявлены проблемы и недостатки этой деятельности, а также некоторые существующие проблемы.

и ряд предложений по устранению недостатков. Выделены разные и схожие стороны информационно-аналитической работы других стран и разные



и схожие аспекты из нашего национального законодательства, а также направления совершенствования этой деятельности с использованием вышеуказанных аспектов.

**Ключевые слова:** анализ, информация, статистика, тенденции, информационно-аналитическая работа, обмен информацией, межведомственное сотрудничество в информационно-аналитической работе

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар суд-хуқук соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Республикаизда олиб борилаётган жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгарди. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларини янада халқчил тузилмага айлантириш жараёнида 2016 йил 16 сентябрьдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида” ги қонуни, 2018 йил 23 августдаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919 сонли Қарори, 2017 йил 12 апрельдаги “Ички ишлар оғонлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори натижасида Ички ишлар вазирлиги таркибида ахборот-тахлил фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ташкилий департамент ташкил қилинди, унинг таркибий тузилиши функция ва вазифалари, ҳуқуқий асослари айниқса, Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаментининг бошқарув ва ахборот-тахлил фаолияти замон талаблари даражасига жавоб берадиган даражада шакиллантирилди. Бу эса ўз навбатида ички ишлар

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.



органларини рўли ва мавқейини кўтариш, жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олишда жамоатчилик ва ахоли билан бўладиган алоқасини мустахкамлаш имконини берди.

Ички ишлар органлари ахборот-таҳлил фаолиятини самарали ташкил этиш, авваламбор, олингандарниң тўлиқлигига, ишончлигига ва сифатига боғлиқдир. Шунинг учун улардан энг биринчи навбатда профилактик чора-тадбирлар йўналтирилиши керак бўлган обьектлар хақида барча маълумотларни аниқлаш, йиғиш ва ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш талаб қилинади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан, ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятида маълумотларни *йигиши, тизимлаштириши, таҳлил қилиши* ҳамда маълумотлар *манбааларини аниқлаш* қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ахборот-таҳлил маълумотлари рўйхатини тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаш;
- маълумотларни тўплаш мақсадида тегишли давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш;
- келиб тушаётган маълумотларнинг аҳамияти, тўлиқлиги ва ишончлиги нуқтаи назаридан баҳолаш;
- маълумотлар мазмуни, йўналиши ва тегишлилиги бўйича тизимлаштириш ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш.

Ички ишлар органларида бошқарув қарорларини қабул қилиш ва режалаштиришда қуйидаги маълумотлар йиғилади ва таҳлил қилинади:

- хизмат ҳудудида ижтимоий-иктисодий, демографик ва криминоген вазиятга оид статистик маълумотлар;
- ички ишлар органларининг куч ва воситалари, тезкор-қидирув фаолияти натижалари, тартиб-интизом ва қонунчиликка риоя этиш ҳолатига оид маълумотлар;
- ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ахборот-таҳлил маълумотлари;
- суд-ҳуқуқ амалиётига оид маълумотлар;
- ички ишлар органлари фаолиятини текшириш ва назорат қилиш бўйича тузилган маълумотномалари;



➤ криминоген вазият ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, аҳолининг ички ишлар органлари фаолиятига бўлган муносабатига оид маълумотлар;

➤ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари.<sup>2</sup>

Ички ишлар органларида тезкор-хизмат фаолияти ҳамда унинг натижасида криминоген вазиятга тасъир қилиш, жиноятчиликнинг ривожини камайтириш, шунингдек тезкор-хизмат фаолиятидаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш учун комплекс таҳлилидан фойдаланилади. Ички ишлар органларида комплекс *таҳлил* мазмунан хизмат ҳудудида тезкор вазият, тезкор-хизмат фаолияти натижалари, куч ва воситалардан самарали фойдаланиш, тасъир кўрсатувчи ташқи омилларни таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган бўлиб, криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилади.<sup>3</sup>

— Ички ишлар органларининг бошқарув жараёнида ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишда комплекс таҳлилнинг жорий, даврий, истиқболли, навбатдан ташқари, муаммоли ва қиёсий каби шаклларидан фойдаланилади. Ички ишлар органининг мансабдор шахслари шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан маҳсус техника воситалари (аудио-ва видео ёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.<sup>4</sup>

Бундан ташқари ички ишлар органларининг бошқарув жараёнида ҳудудлардаги тезкор вазият ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолатини таҳлил килишда жиноятчилик даражаси, унинг умумий динамикаси ва энг кўп содир этилаётган жиноят турлари, жиноятчиликнинг таркибий тузилиши, ҳудудий тарқалганлиги ва алоҳида турдаги жиноий тажовузлар, латент

<sup>2</sup> Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Дарслик / И. Исмаилов, Д.С.Мухамадалиев, Э.У. Азизов; масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 616 б.

<sup>3</sup> Нисневич Ю. А. Информационная политика России: проблемы и перспективы. М., 1999. С.

<sup>4</sup> Информационная политика // Халипов В. Ф., Халирова Е. В. Власть. Политика. Государственная служба : словарь. М. : Луч, 1996. См. то же: <http://www.politike.ru/dictionary/840/word/politika-informacionaja>



жиноятлар, муайян аҳоли гурухларининг жиноий фаоллиги даражаси, вояга етмаганлар, аёллар, муқаддам жиноят содир этган ва доимий даромад манбаасига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, жиноятчиликнинг виктимологик жиҳатлари, уюшган ва иқтисодий жиноятлар, гиёҳванд воситалари ва қуролларнинг ноқонуний муомиласи билан баглиқ жиноятлар, жамоат жойларида криминоген вазият, жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади.

## ХУЛОСА

Ушбу мақолада ахборот-таҳлил фаолияти асосий тамойилларига бағишлиган илмий тадқиқоти натижалари унда таҳлил этилган масалаларнинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда илмий назарий хулосалар, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ва ваколатли органларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча таклифлар келириб ўтилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.  
Ўзбекистон Республикаси Кодекслари. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2017. – 1056 б.

Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. – 8 янв.

Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзаев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳукуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Ҳалқ сўзи. – Т., 2017. – 10 фев.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407 сонли қонуни

Ички ишлар органларида бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Дарслик / И. Исмаилов, Д.С.Мухамадалиев, Э.У. Азизов; масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 616 б.